

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

РАХМАТОВА НОДИРА РАХИМОВНА

**ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН АЙРИМ ДОИМИЙ ЯШИЛ
БУТАЛАРНИНГ ВЕГЕТАТИВ КЎПАЙТИРИШ БИОЛОГИЯСИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахматова Нодира Рахимовна

Интродукция қилинган айрим доимий яшил буталарнинг вегетатив
кўпайтириш биологияси.....3

Рахматова Нодира Рахимовна

Биология вегетативного размножения некоторых интродуцированных
вечнозеленых кустарников.....21

Rakhmatova Nodira Rakhimovna

Biology of the vegetative propagation of some introduced evergreen
bushes39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

РАХМАТОВА НОДИРА РАХИМОВНА

**ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН АЙРИМ ДОИМИЙ ЯШИЛ
БУТАЛАРНИНГ ВЕГЕТАТИВ КЎПАЙТИРИШ БИОЛОГИЯСИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/B155 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ботаника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси(www.floruz.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шгонда Нина Ивановна
биология фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Тухтаев Бобоқул Ерқулович
биология фанлари доктори, профессор

Бойсунов Бобур Хидирович
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06 2017.B.39.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «16» ноябр куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2018 йил «30» октябр куни тарқатилди.
(2018 йил «30» октябрдаги 11- рақамли реестр баённомаси).

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Б.А. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Ф.О. Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда урбанизациянинг жадал ривожланиши аҳоли яшаш манзилларини кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва микроиклимни яхшилашнинг интенсив усулларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Бу ўринда, кўкаламзорлаштиришда танлаб олинадиган турлар, асосан, доимий яшиллиги билан бир қаторда, юқори манзаралилиги, истикболлилиги, репродуктив салоҳиятлилиги ва тез ўсиб етилувчанлиги муҳим саналади. Шунга кўра, ушбу кўрсаткичлар асосида маҳаллий шароитга чидамли, юқори манзарали, иқтисодий қимматли хусусиятга эга ўсимликларнинг индивидуал гуруҳларини танлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида юқори манзарали, истикболли, турли ташқи зарарли омилларга чидамли ўсимлик турларини аниқлаш ва тезкор кўпайтиришнинг самарали мақбул усулларини ишлаб чиқиш тадқиқотларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, манзарали турларнинг янги нав ва формалари яратилди, дарахт ва буталарнинг замонавий кўкаламзорлаштиришдаги имкониятлари баҳоланди, вегетатив кўпайтиришнинг янги усуллари яратилди ва уруғидан кўпайтиришнинг мақбул усуллари такомиллаштирилди. Бу ўринда, ўзининг ноёблиги ва юқори манзаралилиги, ноқулай ташқи экологик омилларга чидамлилиги, касалликларини келтириб чиқарувчи ва юқумли бактерияларга қарши курашувчи фитонцидлар ажратиб турувчи, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда кенг қўлланилаётган *Oleaceae*, *Rosaceae*, *Berberidaceae* ва *Buxaceae* оиласи вакиллари алоҳида аҳамиятга эга. Бу оила вакиллари Шимолий Америка, Шарқий Осиё ва Ўртаерденгизи мамлакатларида тарқалганлиги уларни мўътадил иқлим минтақаларидаги йирик шаҳарларни кўкаламзорлаштиришга кенг жалб этишни белгилаб беради. Таъкидлаш лозимки, *Oleaceae*, *Rosaceae*, *Berberidaceae* ва *Buxaceae* оиласи вакиллари кенг манзаралилик имкониятларига эга бўлса-да, уруғидан кўпайтиришнинг самарасизлиги кўчат ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор муаммоларни юзага келтиради. Шунга кўра, бу оила вакиллари вегетатив йўл билан кўпайтиришнинг тезкор ва самарали усулларини ишлаб чиқиш, ободонлаштиришда фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамызда шаҳарсозликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида янги бино ва иншоотлар ҳамда йўллар қурилиш ишларига катта эътибор қаратилди. Бу борада, кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган манзарали ўсимликларнинг янги нав ва формалари яратилди, уларнинг ассортиментни кенгайтирилди ҳамда маҳаллий истикболли турлар аҳоли манзилларини ободонлаштиришга кенг жорий этилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

жумладан, «... атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларини олдини олиш ва одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, *Oleaceae*, *Rosaceae*, *Berberidaceae* ва *Vuxaceae* оиласи вакилларининг биоэкологик хусусиятларини асослаш, кўпайтириш ва ободонлаштиришга тадбиқ этиш мақсадида стандарт кўчатларни етиштиришни таъминловчи технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2018 йил 17 июлдаги ПК-3861 «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти фаолияти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори, 2017 йил 11 сентябрдаги №ПК-3262-сон “Автомагистралларни ободонлаштириш ва ландшафтни режалаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Доим яшил буталардан *Ligustrum* L. турларини Н.Н. Ксынкина (1971), *Pyracantha* M. Roem. турини Ю.А. Миронова (1986) тадқиқотларида қисқача таърифи мавжуд. Тошкентда манзарали ўсимликларни вегетатив кўпайтириш усуллари устида Ю.А. Карпенко (1970) тадқиқот олиб борган. Муаллиф манзарали баргли ўсимликларни қаламчалари ёрдамида кўпайтирган: *Viburnum opulus v. sterile*, *Deutzia scabra*, *Forsythia suspensa*, *Sorbaria sorbifolia*. Р.А. Норматова (1990) метасеквойя, Л.А. Абдурахмонов (1994) – чой гибридли атиргулларининг 65 та навларини қаламчалари ёрдамида кўпайтириш усуллари, Э.Т. Бердиев (2018) наматак ва чакандани кўпайтириш технологиясини ўрганган. Шунингдек, ЎзР ФА Ботаника боғида ҳар хил турдаги ўсимликларни қаламчалар ёрдамида кўпайтириш бўйича Х.Д. Ахмедова (2003), В.П. Печеницын (2009), Н.Ф. Русанов (2011) ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган. Адабиётларда ҳар хил турларни қаламчалари ёрдамида кўпайтириш бўйича З.Я. Иванова (1982) ишлари маълум.

Келтирилган тадқиқотларда ўсимликларни вегетатив усулда кўпайтириш орқали тайёр кўчатларни тезроқ қўлга кирита олиши мумкинлиги баён этилмаган. Шунга кўра, *Oleaceae*, *Rosaceae*, *Berberidaceae* ва *Vuxaceae* оиласи вакилларини вегетатив кўпайтириш биологияси, манзаралилик ва ташқи экологик омилларга чидамлилиқ даражасини

ўрганиш, доимий яшил ўсимликларнинг мослашувчанлик қобилиятини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ҳузуридаги Тошкент Ботаника боғининг “Интродукцияланган ўсимликлар” Ноёб объекти (2010-2015) дастури доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади интродукция қилинган айрим доимий яшил буталарнинг вегетатив кўпайтириш биологиясини асослаш ва кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш учун тезкор кўпайтиришнинг самарали бўлган усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ботаника боғида интродукция қилинган айрим доимий яшил буталарнинг вегетатив кўпайтириш биологиясини ўрганиш;

интродукция қилинган турлардан кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш учун уларнинг ризогенезлик қобилиятини аниқлаш, қаламчадан кўпайтиришнинг қулай муддатини аниқлаш;

новданинг қисмларидан ҳар хил узунликда олинган қаламчаларнинг илдиз олиш ҳолатини ўрганиш ва кўпайтиришга мос келадиган новдаларни ёшини аниқлаш;

новдаларнинг илдиз олишига тезкор таъсир этувчи биостимуляторларни танлаш;

она ўсимлик ва қаламчалардан кўпайтирилган турларнинг ўсиш суръатини ўрганиш;

оналик ва қаламчалардан кўпайтирилган кўчатларда фенокузатувларни амалга ошириш;

ўсаётган ҳар бир турни янги шароитларда кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш учун уларнинг ташқи экологик омилларга муносабатини асослаш, манзаралилик даражасини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти *Oleaceae*, *Rosaceae*, *Berberidaceae* ва *Buxaceae* оиласига мансуб айрим доимий яшил буталарнинг 9 та тури ва битта шакли ҳисобланади: *Ligustrum* L. (3 тур: *L. japonicum* Thunb., *L. henryi* Hemsl., *L. lucidum* Ait.), *Pyracantha* M. Roem. (2 тур: *Pyracantha crenulata* (D. Don) Roem., *P. coccinea* M. Roem.), *Laurocerasus* Duham. (2 тур: *Laurocerasus officinalis* M. Roem., *L. caroliniana* Roem.), *Berberis* L. (1 та тур: *Berberis julianae* C.K. Schneid), *Buxaceae* Dumort, – *Buxus* L. (1 та тур ва 1 та шакли): *B. sempervirens* L. ва *B. sempervirens f. angustifolia* (Mill.) Kirchn.

Тадқиқотнинг предмети доим яшил буталарнинг ёғочлашган ва яшил новда қаламчаларининг вегетатив усулда кўпайтиришдаги ризогенезлик қобилияти, турларнинг биологияси, экологияси, морфологияси, фенологияси, манзаралилик даражаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мунтазам дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтқизиш, новда қаламчаларини тайёрлаш, турларнинг ташқи экологик омилларга чидамлилиги ва манзаралилигини

баҳолаш, морфобиологик, биометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор Тошкент Ботаника боғи шароитида интродукция қилинган доимий яшил манзарали *Ligustrum*, *Pyracantha*, *Laurocerasus*, *Berberis* ва *Buxus* туркуми 9 та турлари ва 1 та шаклининг ўсиш динамикасини иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда оналик турларда кеч бошлаб эрта тугаши, қаламчадан кўпайтирилган турларда эрта бошлаб кеч тугаши аниқланган;

оналик ва қаламчалардан кўпайтирилган кўчатларда об-ҳавонинг қуруқ-иссиқ, нам ёки қаттиқ совуқнинг узоқ давомий келишига қараб, *Ligustrum*, *Pyracantha*, *Laurocerasus*, *Berberis* ва *Buxus* туркуми турлари фенологик фазаларидаги ўзгаришлар аниқланган;

турларнинг ризогенезлик қобилиятини новдаларнинг ёшига ва новданинг турли қисмларидан олинган қаламчаларнинг узунлиги ҳамда уларнинг оптимал экиш муддатига боғлиқ эканлиги асосланган;

турларни илдиз олдириш учун ёғочлашган ва яшил новда қаламчаларини тайёрлаш ва экишнинг мақбул муддатлари, илдиз олдириш ва кўчатларини етиштиришда стимуляторларни меъёри ва таъсир этиш вақтлари ҳамда субстрат нисбатлари исботланган;

кўкаламзорлаштириш ишларида кенг фойдаланиш учун *Ligustrum*, *Pyracantha*, *Laurocerasus*, *Berberis* ва *Buxus* туркуми турларининг иссиққа, совуққа ва сувсизликка чидамлилиги асосланган ҳамда манзаралилик даражаси баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

доим яшил турларда энг яхши илдиз ҳосил қилиш жараёни (60-100%), ёзги қаламчаларда содир бўлиши ва бу жараён 16-94 кун давом этиши аниқланган;

ёз мавсумида яшил новда қаламчаларини илдиз олиши учун мўтадил кундузги ҳарорат 20–30⁰С, субстратники 18–28⁰С, қишда эса ёғочланган новда қаламчаларини илдиз олиши учун эса, ҳаво ҳарорати 18–22⁰С, субстратники 20–26⁰С қулай ҳисобланиши исботланган;

новданинг юқори қисмидан тайёрланган қаламчаларда илдиз системасининг узунлиги ўрганилган объектларда 0,5–6 см, ўрта қисмида – 18–20 см, қуйи қисмида эса 20–25 см ташкил этганлиги аниқланган;

унумдор тупроқли субстратда ва туман пуркагич мосламада қумли субстратда ёғочлашган ва яшил новда қаламчаларини илдиз олдириш ва кўчатларини етиштиришнинг технологияси ишлаб чиқилган;

қаламчадан кўпайтирилган кўчатларни баландлиги улар ҳаётининг 1-2 йили 40-60 см га етганда, доимий ерларга экиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

доимий яшил буталарнинг 8 та тур ва 1 та шакли *Ligustrum lucidum* дан ташқари, амалиётда тўлиқ истиқболли турлар эканлиги аниқланган ва уларни кескин континентал иқлим шароитларида кўкаламзорлаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги узоқ муддатли дала

тажриба натижаларига статистик қайта ишлов берилганлиги, классик ва замонавий усуллардан фойдаланилганлиги, тадқиқот илмий натижаларини нуфузли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги ҳамда уларни ҳорижий ва республикадаги нуфузли илмий журналларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти доимий яшил буталарнинг 9 тур ва 1 шакллариининг биологияси, экологияси ва ташқи экологик омилларга муваффақиятли муносабатини аниқланганлиги, уларни кескин континенталь иқлим шароитига мослашувчанлиги асосида табиий яшаш шароитларидан сезиларли даражада фарқ қилиши бўйича янги илмий маълумотларни асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ҳамда ўрмон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш учун доим яшил буталардан новда қаламчалар тайёрлаш ва илдиз олдириш учун экишнинг мақбул муддатлари ҳамда субстратларини аниқлаш, оптимал биостимуляторлар танлаш, қаламчалардан кўпайтиришнинг жадал усулларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интродукция қилинган айрим доимий яшил буталарнинг вегетатив кўпайтириш биологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

доим яшил буталарнинг яшил қаламчаларидан тезкор кўпайтиришнинг қулай усуллари ва муддатлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қарақалпоғистон Республикаси Ботаника боғида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 19 октябрдаги 03-01/12-5085-сон маълумотномаси). Натижада 5,0 га майдонда доим яшил буталарнинг *Ligustrum*, *Pyracantha*, *Laurocerasus*, *Berberis* ва *Buxus* туркуми турларидан иборат интенсив боғ яратиш имконини берган;

етти хил биостимулятор ва препаратлар таъсирида доимий яшил бута қаламчаларининг ризогенезлик қобилиятини ошириш бўйича натижалар Қашқадарё вилояти “Кўкаламзорлаштириш” корхонаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2017 йил 10 ноябрдаги 05/18-2722-сон маълумотномаси). Натижада янги ассортиментдаги доим яшил буталарни вегетатив кўпайтиришда оптимал биостимулятор ва препаратларни танлаш ҳамда кўкаламзорлаштиришнинг самарадорлигини ошириш имконини берган;

истикболли 8 тур доим яшил буталарнинг кескин континентал иқлим шароитларида кўкаламзорлаштириш учун ишлаб чиқилган тавсиялар Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 29 мартдаги 123/ХМ-сон маълумотномаси). Натижада қатнов йўл ёқаларини кўкаламзорлаштириш учун мос ўсимлик турларини танлаш ҳамда ободонлаштириш фаолиятини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Интродукция қилинган доимий яшил буталар бўлими ва табиатда табиий яшаш шароити»** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган турларнинг систематик ўрни, табиий жойлашган ҳудудлари ва иқлим шароитининг қисқача тавсифи баён қилинган. ЎзР ФА Ботаника боғи Тошкент шаҳрининг шимолий чека ҳудудида жойлашганлиги ва Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитининг қисқача таҳлили келтирилган. Тошкент Ботаника боғи шароити тўлиқ келтирилган бўлиб, кескин континентал иқлими давом этувчи қуруқ ёзи, иссиқ ва қисқа, юмшоқ, баъзида қаттиқ совуқ қиши билан характерланади.

Диссертациянинг **«Тадқиқот дастури, материаллар ва усуллар»** Доимий яшил бута турларининг вегетатив кўпайиш биологиясини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон яшил қурилишларида фойдаланиш» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва предметлари тавсифланган. Вегетатив кўпайтиришнинг тадқиқот усуллари баён қилинган. Қаламчадан кўпайтиришнинг агротехникаси бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари таҳлил этилган ҳамда мавзунинг долзарблиги асосланган. Тадқиқот объектлари Тошкент Ботаника боғи шароитида ўрганилган ва уларнинг ботаник хусусиятлари келтирилган.

Диссертациянинг **«Доимий яшил бута турларининг вегетатив кўпайтириш биологияси»** деб номланган учинчи бобида Қаламчадан кўпайтиришнинг турли усуллари келтирилган қишки, баҳорги, турли ёш ва узунликдаги ёзги, кузги қаламчаларни кўпайтиришнинг муддатлари ва турли услублари келтирилган. Ёзги (яшил) қаламчаларни кўпайтиришнинг қулай

муддатлари ўрганилди. Қаламчалар тайёрлашда новданинг энг истиқболли илдиз ҳосил қилувчи қисми (юқори, ўрта, қуйи), новдаларнинг ёши, қаламчаларнинг узунлиги белгиланди. Тайёрланган қаламчаларда ризиогенезлик қобилиятини фаоллаштирувчи биостимуляторлар қўлланилди.

Яшил новда қаламчалари илдиз ҳосил қилиши учун мунтазам бошқариладиган, ўрта габаридли туман пуркагич қурилмадан фойдаланилди. Қурилма ҳар 10 дақиқада сув сепиб турди. Қаламчаларни тоза қумга уч бурчак остида 1,5–2 см чуқурликка экилди. Тадқиқотда қуйдаги стимуляторлардан фойдаланилди: биринчи вариант – гетероауксин, иккинчиси – кетостим, учинчиси – А–1. Концентрацияси 1-жадвалда келтирилган.

Новдаларда ярим ёғочланиш бошланиши олдидан яшил новдалардан қаламчалар тайёрланиб, 16 июнда экилди. Кундузи ҳаво ҳарорати 28–32⁰С, кечаси 5–7⁰С га паст, субстратнинг ҳарорати 27–30⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги тахминан 70–80% гача бўлди.

Қаламчаларнинг ўлчами, куртакларнинг жойлашганлик оралик масофалари ҳисобга олиниб 8–12 дан 14–16 см узунликкача кесилди. *Laurocerasus caroliniana* ва *Buxus sempervirens* жуда секин ўсади, бир йиллик ўсиш баландлиги 8 – 12 см ни ташкил қилади, шу боис новданинг фақат бир йиллик ўсган юқори қисмидан (8–12 см) қаламчалар тайёрланди. Бошқа турлардан тайёрланган қаламчалар бир йиллик новданинг юқори, ўрта ва қуйи қисмларидан олинди. Ҳар битта вариантга 10 донадан уч такрорлашда қаламчалар қўйилди. Яшил қаламчаларнинг унувчанлиги бўйича маълумотлар натижаси 1-жадвалда келтирилган, турлардан ҳар учала вариантларга, ҳатто назоратга, новданинг юқори, ўрта ва қуйи қисмларидан қаламчалар кесиб тайёрланди.

Ligustrum henryi барча вариантларда, ҳаттоки назоратда, 16 кун ичида илдиз ҳосил қилди. Яшил новда қаламчаларида илдиз ҳосил қилиши юқори фоизда бўлиб, каллус ҳосил қилиш жараёни ҳам қисқароқ. Новданинг қуйи, ўрта, юқори қисмларидан тайёрланган қаламчаларда энг яхши илдиз олиш жараёни гетероауксиндан фойдаланганда аниқланди. Қаламчаларнинг илдиз олиш жараёнига таъсири нуқтаи назаридан стимуляторлардан кетостим кейинги (иккинчи) ўринда турибди. А–1 ва назорат вариантларида экилган қаламчаларда ҳам илдиз олиш жараёни кузатилди, аммо бу вариантларда амалда ўрганилаётган турларнинг барчасида бу жараён муддати бир неча кунга кечикди. Лекин *Ligustrum lucidum* турида олиб борилган барча тадқиқотларимизда илдиз олиш жараёни нисбатан паст кўрсаткичларни (0–33%) ташкил этди.

Ўрганилган объект яшил новда қаламчаларида энг тез унувчанлик июнь ойида новданинг юқори ва ўрта қисмларидан олинган қаламчаларда, новданинг қуйи қисмидан тайёрланган қаламчаларда эса унувчанлик 7–15 кун кечроқ кузатилди, лекин уларда бақувват илдиз системаси ҳосил қилди.

Яшил қаламчаларнинг турли вариантларда илдиз олиш кўрсаткичи (n=30), %

Новда қисмларидан олинган қаламчалар (қисм)	Вариантлар ва унвчанлик, кун давомийлиги								Ишлов вақти
	Гетеро-ауксин 0,02%	Даво-милиги	Кетостим 0,03%	Даво-милиги	А-1 - 0,015%	Даво-милиги	Назорат (тоза сув)	Даво-милиги	
<i>Berberis julianae</i> (16.06.10)									
Юқори	76,7±6,2	60	86,7±6,2	60	83,3±6,8	65	93,3±4,6	65	2
Ўрта	90,0±8,4	65	70,0±8,4	65	83,3±6,7	65	76,7±7,7	65	2
Қуйи	86,7±6,2	65	86,7±6,2	65	73,3±8,0	72	70,0±8,4	72	2
<i>Buxus sempervirens</i>									
Юқори	76,7±7,7	55	73,3±8,0	67	66,7±8,6	76	33,3±8,6	80	2
<i>Laurocerasus officinalis</i>									
Юқори	70,0±8,4	35	56,7±8,8	35	46,7±9,1	35	26,7±8,0	42	1
Ўрта	63,3±8,8	35	60,0±8,9	35	43,3±9,0	35	36,7±8,8	42	1
Қуйи	70,0±0	42	50,0±9,1	42	53,3±9,1	42	26,7±8,0	42	1
<i>Laurocerasus caroliniana</i>									
Юқори	100,0±0	18	100,0±0	18	100,0±0	18	100,0±0	24	3
<i>Pyracantha coccinea</i>									
Юқори	93,3±4,6	20	86,7±6,2	27	80,0±7,3	27	96,7±3,3	35	2,5
Қуйи	96,7±3,3	35	93,3±4,6	35	80,0±7,3	35	63,3±8,8	35	2,5
<i>Pyracantha crenulata</i>									
Юқори	90,0±5,5	21	76,7±7,7	35	63,3±8,8	35	66,7±8,6	35	2,5
Ўрта	86,7±6,2	34	83,3±6,8	33	63,3±8,8	34	63,3±8,8	34	2,5
Қуйи	80,0±7,3	21	73,3±8,0	33	70,0±8,4	34	70,0±8,4	34	2,5
<i>Ligustrum japonicum</i>									
Юқори	100,0±0	21	90,0±5,5	21	100,0±0	36	90,0±5,5	36	3
Ўрта	100,0±0	21	96,7±3,3	21	76,7±7,7	32	83,3±6,7	32	3
Қуйи	86,7±6,2	29	93,3±4,6	29	86,7±6,2	35	96,7±3,3	35	3
<i>Ligustrum henryi</i>									
Юқори	90,0±5,5	16	93,3±4,6	16	86,7±6,2	16	70,0±8,4	16	3
Ўрта	96,7±3,3	16	90,0±5,5	16	76,7±8,8	16	86,7±6,2	16	3
Қуйи	96,7±3,3	16	96,7±3,3	16	86,7±5,5	16	73,3±8,0	16	3
<i>Ligustrum lucidum</i>									
Юқори	33,3±8,6	58	33,3±8,6	58	0	89	33,3±3,3	0	3
Ўрта	30,0±7,3	58	33,3±7,7	94	23,0±7,7	94	16,7±5,5	94	3
Қуйи	23,3±7,7	94	10,0±5,5	94	3,3±3,3	94	13,3±6,2	94	3

Эслатма: назоратга нисбатан фарқ қиладиган юқори вариант қийматлари чизилган ($P < 0,05$)

Бироқ, новданинг ўрта ва қуйи қисмларидан кесиб экилган қаламчалар яхши илдиз ҳосил қилиши кузатилди.

Яшил новдалардан олинган қаламчалардан ташқари, ёғочлашган новдалардан олинган қаламчаларни вегетатив йўл билан кўпайтиришнинг қулай вақти ва усулларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Кўпгина доимий яшил баргли ўсимликларнинг ёғочлашган новдаларидан олинган қаламчалар яшил новдалардан олинган қаламчалардан фарқли ўларок, тўлиқ етилган тўқималарга ва захира озиқ модда таъминотига эга.

Доимий яшил *Pyracantha*, *Buxus*, *Ligustrum*, *Laurocerasus* ва *Berberis*

Ўсимликларининг ёғочлашган бир йиллик новдаларидан олинган қаламчалар, илдиз ҳосил қилиши учун маълум юқори ҳаво ҳарорати ва субстрат намлигига боғлиқ. Ҳавонинг нисбий намлиги 50–54%, тупроқ субстратининг намлиги 60–64% ни ташкил этди. Ҳавонинг ҳарорати – 18⁰С, субстратда эса 21⁰С ва ундан юқори бўлди. Юқори ҳаво ҳарорати қаламчаларда илдиз ҳосил бўлишидан олдин куртакларнинг уйғонишини тезлаштиради ва қаламчаларнинг бўйига ўсишини тامينлайди. Манзарали буталарнинг 9 та тури ва 1 та шаклини ёғочлашган новдалардан олинган қаламчалар ёрдамида кўпайтириш учун иссиқхона шароитида 18 январдан 25 январгача тажрибалар қўйилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Турли вариантларда қишки қаламчаларнинг илдиз олиши (n = 30)%

Экилган вақти	1- вариант гетероауксин –0,05%	2-вариант кетостим– 0,01%	3-вариант назорат (тоза сув)	Илдиз олиш муддати (кун)			Ишлов вақти
				1	2	3	
<i>Pyracantha crenulata</i>							
18.01	73,3±8,1	53,3±9,1	-	117	130	-	19
<i>Pyracantha coccinea</i>							
19.01	63,3±8,8	43,3±9,1	-	79	84	-	21
<i>Buxus sempervirens</i>							
24.01	73,3±8,1	33,3±8,6	-	97	125	-	21
<i>Buxus sempervirens f. angustifolia</i>							
24.01	96,6±3,3	100±0	63,3±8,8	125	142	153	21
<i>Ligustrum lucidum</i>							
25.01	-	-	-	-	-	-	21
<i>Ligustrum henryi</i>							
25.01	100±0*	66,6±8,6	33,3±8,6	67	94	110	23
<i>Ligustrum japonicum</i>							
25.01	83,3±6,8	73,3±8,1	-	87	86	-	23
<i>Laurocerasus officinalis</i>							
25.01	50±9,1	36,6±8,8	-	89	81	-	18
<i>Laurocerasus caroliniana</i>							
25.01	-	-	-	-	-	-	18
<i>Berberis julianae</i>							
25.01	33,3±8,6	10±5,5	-	89	82	-	21

Эслатма : назоратга нисбатан фарқ қиладиган юқори қийматлар чизилган (P<0,05)

Қишки қаламчаларни бир йиллик ёғочлашган новдалардан тайёрладик. Ёғочлашган қаламчаларни иссиқхонага экиш учун ўртача 10–12, 14–16, 18–20 см гача узунликда кесиб тайёрланди. Қаламчаларни бойитилган тупроқли субстратда (тупроқ, органик ўғит, йирик донадор дарё қуми 1:1:1 нисбатда) 5–7 см чуқурликда уч бурчак остида экилди. Қаламчаларни 5x5 экиш схемасида жойлаштирилди. Экилган қаламчаларнинг устки қисми ёғоч қипиқлари ёрдамида беркитилди. Қаламчаларни кўпайтиришда 2 хил стимулятор варианты ва назорат усулидан фойдаланилди.

Қуйдаги вариантларда ишлов берилди: 1–гетероауксин – 0,05%; 2–кетостим – 0,01%; 3–назорат (тоза сув). Соатлик ишлов беришнинг таъсир этиш вақти 18, 19, 21, 23 ни ташкил этди. Ёғочлашган новдалардан

тайёрланган қаламчаларнинг унувчанлик натижалари 2-жадвалда келтирилган. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, барча вариантларда кўкариш кузатилди, лекин илдиз ҳосил қилиш учун етарлича вақт талаб қилинди (67–153 кун). Ҳар хил турларда илдиз шакилланиши учун яшил новда қаламчалари каби турли кунни талаб қилади. Ёғочлашган новда қаламчаларида ҳам илдиз ҳосил қилиш фоизи етарлича юқори бўлиб, бироқ каллус ҳосил қилиш жараёни узоқроқ давом этади.

Эрта баҳорда қаламчаларнинг бир йиллик яхши етилган ёғочлашган новдаларидан март ойининг II ва III ўн кунлигида ва апрель ойининг бошларида кесиб тайёрланди ва иссиқхонага экилди. 0,05% – натрийли оксигуммат эритмасидан стимулятор сифатида фойдаланилди (соатлик таъсир вақти 18 с.) (3-жадвал).

Қаламчаларни тайёрлашда уларда куртакларнинг жойлашиш оралик масофаси инобатга олинди. Куртак оралик масофаси қисқа жойлашган қаламчалар (*Pyracantha coccinea*, *P.crenulata*, *Laurocerasus caroliniana*, ва *Buxus sempervirens*) 10–12 см узунликда, куртак оралиғи узоқ жойлашган ўсимликларда эса (*Berberis julianae*, *Laurocerasus officinalis*, *Ligustrum japonicum*, *L.henryi*, *L.lucidum*) 14–18 см узунликда 1–2 та куртак оралиғида.

Қаламчаларнинг илдиз олиши учун иссиқхона ҳаво ҳарорати 18–22⁰С, субстрат ҳарорати эса – 20–26⁰С дан юқори бўлиб, мунтазам кўлда суғориб турилди.

Тажриба учун оналик ўсимликларнинг ўсиш баландлиги ҳисобга олиниб, қаламчалар тайёрланди. Кўп турлардан 30 донадан қаламчалар тайёрланди (10 донадан 3 қайтариқда), фақат *Laurocerasus caroliniana* 15 дона (5 донадан 3 қайтариқда). Барча турларнинг қаламчаларини тайёрлаш ва экиш даврида, *Laurocerasus* ва *Berberis* дан ташқари, оналик ўсимликларда куртакларнинг бўртиши ва очилиши, *Laurocerasus* ва *Berberis* да эса гул куртаги ва гуллаш фазаси белгиланган эди.

Қаламчалар илдиз ҳосил қилгандан кейин 30 июнда очиқ ерга кўчириб ўтказилди. Новданинг қуйи қисмидан олинган қаламчаларда *Pyracantha crenulata*, *P. coccinea*, *Berberis julianae*, *Ligustrum japonicum* ва *L. henryi* ларда илдиз системаси (20–25см) гача етганлиги кузатилиб, кўчатларнинг сақланиш даражаси 96,7±3,3 атрофида қайд этилди. Бу ерда 2–3 тартибда 2,5 см гача илдизлар ҳосил қилганлиги кузатилди. Новданинг ўрта қисмидан олинган қаламчаларда илдиз системасининг узунлиги 18–20 см, новданинг юқори қисмларидан олинган қаламчаларда эса 0,5 – 6 см ни ташкил этганлиги изланишлар давомида аниқланди. *Buxus sempervirens*, *Buxus sempervirens f. angustifolia* ва *Laurocerasus caroliniana* секин ўсганлиги сабабли йиллик ўсиши 10–12 см. ни ташкил қилди. Шунинг учун фақат бир йиллик новданинг ўсиш узунлиги бўйича қаламча тайёрланди.

Энг юқори илдиз олиш жараёни *Ligustrum japonicum*, *L. henryi*, *Pyracantha coccinea*, *P. crenulata*, *Berberis julianae* қаламчаларида кузатилиб, *Laurocerasus caroliniana* да фақат натрий оксигумматидан фойдаланганда – 100%, назоратда эса аксинча, бу жараён умуман кузатилмади.

Қаламчаларни илдиз олиш жараёнини новда қисмларига боғлиқлиги, %

Новданинг турли қисмларидан олинган қаламчалар	Натрий оксигумати- – 0,05%	Контроль (тоза сув)
<i>Pyracantha crenulata</i> (18.03.10)		
Юқори	23,3±7,7	20,0±7,3
Ўрта	76,7±7,7*	23,3±7,7
Қуйи	86,7±6,2*	50,0±9,1**
<i>Pyracantha coccinea</i> (23.03.10)		
Юқори	26,7±8,0	3,3±3,3
Ўрта	83,3±6,8*	6,7±4,6
Қуйи	86,7±6,2*	40,0±8,9**
<i>Berberis julianae</i> (24.03.10)		
Юқори	23,3±7,7	0
Ўрта	33,3±8,6	6,7±4,6
Қуйи	70,0±8,4**	13,3±6,2
<i>Laurocerasus officinalis</i> (25.03.10)		
Юқори	13,3±6,2	0
Ўрта	16,7±6,8	6,7±4,6
Қуйи	13,3±6,2	10,0±5,5
<i>Buxus sempervirens</i> (25.03.10)		
Юқори	33,3±8,6	0
<i>Buxus sempervirens f. angustifolia</i> (25.03.10)		
Юқори	36,7±8,8	0
<i>Laurocerasus caroliniana</i> (26.03.10)		
Юқори	100,0±0	0
<i>Ligustrum lucidum</i> (2.04.10)		
Юқори	0	0
Ўрта	0	0
Қуйи	0	0
<i>Ligustrum japonicum</i> (2.04.10)		
Юқори	60,0±8,9	60,0±8,9
Ўрта	76,7±7,7	66,7±8,6
Қуйи	90,0±5,5*	83,3±6,8*
<i>Ligustrum henryi</i> (2.04.10)		
Юқори	73,3±8,1	66,7±8,6
Ўрта	93,3±4,6	76,7±7,7
Қуйи	90,0±5,5	90,0±5,5*

Эслатма : назоратга нисбатан фарқ қиладиган юқори қийматлар чизилган ($P < 0,05$);

*– кўрсаткич, юқори қисмдан фарқи;

**– қуйи қисм кўрсаткичи, ўрта қисмдан фарқи

Шунингдек энг паст кўрсаткич *Laurocerasus officinalis* (13,3%) ва *Buxus sempervirens* (33,3%) қаламчаларида қайд этилиб, *Ligustrum lucidum* қаламчаларида эса умуман кузатилмади.

Таҷрибаларни кўрсатишича, ёғочлашган новданинг ўрта ва қуйи қисмларидан олинган қаламчаларда новданинг юқори қисмдан олинган қаламчаларга нисбатан кўкариши юқори бўлди.

Маълумки, ўсимликларни кўпайтиришнинг кўплаб усуллари мавжуд. Шунингдек вегетатив кўпайтириш усуллари ўрганиш мақсадида

кузатишлар туман пуркагич мосламада ҳам олиб борилди. Бунда турли ёшдаги новдалардан, узун (20–25 см) қаламчалар ён шохчалари билан бирга тайёрланиб, туман пуркагич қурилма ва иссиқхонада тажрибалар вариантлар асосида қўйилди. Кузатишлар новда қаламчаларнинг уларнинг ёшига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Хусусан турли ёшдаги новдалардан олинган узун қаламчаларнинг илдиз тизимида ривожланиш ҳар хил кечганлиги яъни: ёшроқ қаламчаларда (2 ёшгача) илдиз тизими бақувват бўлди. Доимий яшил ўсимликларнинг 2–3 йиллик новдаларидан тайёрланган қаламчаларда ҳам кучли илдиз тизими ҳосил бўлди. Фойдаланилган вариантлар: 1–гетероауксин – 0,005%; 2 – кетостим – 0,01%; 3–контроль – тоза сув (4-жадвал).

4-жадвал

2–3 йиллик новдалардан олинган узун кузги қаламчаларнинг унувчанлиги

Экилган вақти	1- вариант	2- вариант	3- вариант	Кўкариш вақти (кун)			Ишлов вақти
				1	2	3	
<i>Pyracantha coccinea</i>							
25. IX	43,3±9,1	20±7,3	-	62	76	-	3
<i>Pyracantha crenulata</i>							
25. IX	43,3±9,1	33,3±8,6	-	56	97	-	3
<i>Berberis julianae</i>							
25. IX	33,3±8,6	-	-	119	-	-	3
<i>Ligustrum japonicum</i>							
25. IX	66,6±8,6	63,3±8,8	16,6±6,8	40	45	50	3
<i>Ligustrum lucidum</i>							
25. IX	-	-	-				3
<i>Ligustrum henryi</i>							
25. IX	83,3±6,8	63,3±8,8	16,6±6,8	38	41	50	3
<i>Laurocerasus officinalis</i>							
25. IX	63,3±8,8	33,3±8,6	-	82	92	-	3
<i>Buxus sempervirens</i>							
25. IX	93,3±4,5	73,3±8,1	33,3±8,6	111	126	130	3

Эслатма: назоратга нисбатан фарқ қиладиган юқори қийматлар чизилган ($P < 0,05$)

Ушбу турларда энг яхши кўкариш жараёни 1-вариантда (гетероауксин билан ишлов берилган) кузатилди. Кетостим биостимуляторидан фойдаланилганда кўкарувчанлик нисбатан паст ва жараён узоқ (41-126 кун) давом этди. *Ligustrum lucidum* турида эса кўкарувчанлик қайд этилмади. Гетероауксин ва кетостимда ишлов берилган қаламчаларда кўкарувчанлик кўрсаткичи назоратга нисбатан анча юқори фоизни ташкил этди.

Барча турларда ёғочлашган новда қаламчаларида илдиз ҳосил қилиш жараёни кўпроқ вақтни (40–130 кун) талаб қилганлиги натижасида бақувват илдиз ҳосил бўлганлиги кузатилди.

Шу билан бирга стимуляторлар (медиатор цитокинин ва альгин) дан фойдаланиб тўрт хил вариантларда тажриба ўтказилди. Қаламчаларни 18–21 июнда сунъий туман ҳосил қилувчи қурилма жойлаштирилган ўрта ҳажмдаги идишга тоза тупроққа уч бурчак остида 3–4 см чуқурликда экилди. Ёз мавсумидаги қаламчаларни 20–25 см узунликда кесилди, *Laurocerasus*

caroliniana, *Buxus sempervirens* ва унинг шакли *Buxus sempervirens f. angustifolia* бундан мустасно. Ҳар бир вариантда 10 донадан қаламчаларга ишлов берилди (соатлик таъсир вақти 21 с.). Тажриба давомида ишлов беришда фойдаланилган стимуляторлар: 1) назорат – тоза сув; 2) МЦ (медиатор цитокинин) – 0,002%; 3) корневин – 0,001%; 4) альгин – 0,0005%.

Қаламчаларда илдиз ҳосил қилиш жараёни энг узок кун назорат вариантыда давом этганлиги *Buxus sempervirens* – 95 ва *Buxus sempervirens f. angustifolia* – 79 ларда белгиланди. *Ligustrum henryi*, *Ligustrum japonicum* ва *Pyracantha crenulata* қаламчаларига корневинда – 0,001% (соатлик таъсир кўрсатиш вақти – 21с.) ишлов берилганда тезда (15 кун) илдиз ҳосил бўлганлиги белгиланди. 26–27 кундан кейин қаламчаларда унувчанлик *Laurocerasus caroliniana* ва *Pyracantha coccinea* да аниқланди. *Laurocerasus officinalis* ва *Berberis julianae* да 48–52 кун белгиланди. Энг кеч кўқарувчанлик *Buxus sempervirens* ва унинг шаклида, шунингдек, *Ligustrum lucidum* да кузатилди (62–81 кун).

Тажриба бўйича 100 фоизлилик кўқарувчанлик ҳаммадан кам медиатор цитокининдан фойдаланилганда олинди.

